

TOSHKENT HAQIQATI

Viloyat
ijtimoiy-siyosiy
gazetasi

1928-yil 11-dekabrda
asos solingan

2025-yil 9-iyul / CHORSHANBA / № 50 (13811)

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



Viloyat bo'ylab

YANGIYO'L shahar hokimi R.Raimov tegishli mas'ullar bilan "Navro'z" va "Olmos" mahallalarida amalga oshirilayotgan qurilishlar bilan tanishdi. Shuningdek, o'rganishlar yakunida "Bahor" mahallasini obodonlashtirish va ko'klamzorlashtirish yuzasidan mas'ullarga aniq vazifalar belgilab berildi.



YUQORI CHIRCHIQ tumanida "Ma'rifat va saxovat" karvoni loyihasi doirasida "Yoshlik" va "Birlik" mahallalaridagi ijtimoiy reyestrda kiritilgan ehtiyojmand oilalar holidan xabar olindi. Fuqarolar tibbiy ko'rikdan o'tkazilib, birinchi yordam vositalari: dori-darmon, gigiyena jihozlari, shuningdek, bolalarga maktab uchun o'quv qurollari hamda kitoblarni topshirildi.



PISKENT tumani FVB xodimlari tomonidan "Tong" oromgohida "Yosh qutqaruvchi" ko'rik-tanlovi o'tkazildi. Tadbir davomida ishtirokchilar qutqaruvchilarning faoliyati bilan yaqindan tanishib, zaruriy bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishdi.



CHIRCHIQ shahar Oila va xotin-qizlar bo'limi tomonidan "Dolzab 90 kun" tadbiri doirasida "Qizlar tarbiyasi - millat tarbiyasi" mavzusida ma'naviy-ma'rifiy tadbir tashkil etildi. Unda Prezident Administratsiyasi huzuridagi Ishchi guruh a'zosi, Respublikasi Oila va xotin-qizlar qo'mitasi mas'ul xodimi Z.Iskandarova so'zga chiqib, qizlarimiz oliy ma'lumotli bo'lishi uchun davlatimiz tomonidan yaratilayotgan imkoniyatlar haqida ma'lumot berdi.



NURAFSHON shahrining "Qumariq" mahallasidagi Zarafshon ko'chasining 1 ming 100 metr uzunlikdagi qismiga yangi asfalt qoplamasi yotqizildi. "Zarbdor tajribasi" doirasidagi mazkur ishlar respublika byudjeti mablag'lari hisobidan amalga oshirildi.



OHANGARON shahar mahallalarida aniqlangan muammolarni bartaraf etish maqsadida yig'ilish o'tkazildi. Shahar hokimi M.Rajabov boshchiligidagi yig'ilishda kommunal soha mutasaddilari, hokim o'rinbosarlari hamda mahalla raislari ishtirok etishdi. Aniqlangan muammolarni bartaraf etish yuzasidan taqdimot qilinib, har bir murojaat ijrosi alohida tahlil etildi.



ХАЛОВАТ – БУЮК НЕЪМАТ

Дарҳақиқат, ҳаловатини йўқотган инсонга ҳеч нарса таъминмайди. Ундаги бу кайфият атрофдагиларга, жамиятга, ҳатто болаларга "юқади". Фақат негатив ўй-фикрлар билан яшаб бўлмайди, бу аввало, унинг ўзини адои таъмин қилади. Фаровон мамлакатларда одамларнинг энг катта бойлиги – хотиржамлик ва ҳаётдан мамнунлик. Ахир тирикликнинг мазмунини ҳам шу!

2



Туризм

САЙЁҲЛАР ОҚИМИ 2 БАРОБАР КЎПАЙДИ



Жорий йил бошидан буён вилоят ҳудудидаги туристик манзилларга жами 8,5 миллион нафар сайёҳ келган. Шундан 7,9 миллиони маҳаллий, 547,3 минг нафари хорижий сайёҳлардир.



Тошкент вилоятининг туризм салоҳиятини йил сайин янги босқичга олиб чиқиш, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар оқimini ошириш, ҳудудларда жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда кўрсатилаётган хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида тизимли ишлар қилиняпти.

4

Томорқачилик

“АЧИСОЙ” – МАЛИНАЧИЛАР МАНЗИЛИ



Вилоятимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, хусусан, мева-мевали боғлар сонини кўпайтириш орқали аҳоли даромадини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан Бўстонлиқ туманидаги “Ачисой” маҳалласи малина етиштиришда етакчи ҳудудлардан бирига айланмоқда.

Айтиш жоизки, маҳалла табиий иқлими ва географик жойлашувига кўра, малина етиштириш учун анча қулай. Шу сабабли, ҳозирда малина етиштириш маҳаллий аҳолининг асосий даромад манбаига айланган. Маҳаллада 573 та хонадондаги 644 та оилада 2 минг 850 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг асосий қисми қозоқ миллатига мансуб фуқаролар.

(Давоми 2-саҳифада)

YO'LOVCHI MADANIYATI: Uni kim qanday tushunadi?

Mulohaza uchun mavzu

Yaqinda taniqli shoir Asqar Mahkam bilan bo'lgan ibratli voqea haqida ijtimoiy tarmoqda o'qib qoldim. Rahmatli shoir metroda ishdan qaytayotgan payt yonida o'tirgan ikki nafar oliffta kiyingan o'zbek qizlari shang'illab, inglizcha gaplashib ketayotgan ekan.

2



▼ Яхши хабар

Юқори Чирчиқ туманидаги “Ал Саид” сув иншооти энергия тежамкор ускуналар билан қайта жиҳозланиб, янгича кўринишда фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда “Ўзсувтэминот” АЖ бошқарув раиси Аҳмад Сувонкулов сўзга чиқиб, республика миқёсида ҳудудий сув таъминоти корхона раҳбарларига мазкур иншоотни намуна сифатида тақдим этди.



▼ Abituriyent — 2025

KASBIY (IJODIY) IMTIHONLAR BOSHLANDI

Toshkent viloyatidagi ayrim oliy-gohlarning mavjud bakalavriat ta'lim yo'nalishlari uchun kasbiy (ijodiy) imtihonlar bo'lib o'tmoqda. Xususan, O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universitetida ham abituriyentlar mazkur jarayonlarda qatnashmoqda.

Bu oliy ta'lim muassasasida kasbiy (ijodiy) imtihonlar belgilangan 51 ta sport turidan tasdiqlangan aniq mezonlar asosida qabul qilinadi. Ularning adolatli va shaffof o'tishini ta'minlash maqsadida tegishli sport federatsiyalari (assositsiyalari) dan 61 nafar tajribali mutaxassis va murabbiylar, universitetdan 82



nafar professor-o'qituvchi hamda sport ta'lim muassasalaridan 48 nafar tajribali murabbiylar jalb etilgan.

Muhimi, bu jarayonda har bir abituriyentning iqtidori, jismoniy tayyorgarligi, texnik va taktik ko'nikmalari xolis va aniq mezonlar asosida baholanishi qat'i'y nazoratga olingan. Imtihon natijalari yagona maxsus sport platformasi orqali real vaqt rejimida planshetlar yordamida kiritiladi. Har bir abituriyentning shaxsiy natijasi avtomatik ravishda ro'yxatdan o'tkazilgan mobil telefon raqamiga SMS ko'rinishida yuboriladi. Kasbiy (ijodiy) imtihonlar 2025-yil 18-iyul sanasigacha mazkur universitet hamda Toshkent shahri, Toshkent viloyati va Nukus shahridagi sport inshootlarida o'tkaziladi.

Shuningdek, Chirchiq davlat pedagogika universitetida 2025/2026 o'quv yili uchun alohida iqtidor talab qiluvchi ta'lim yo'nalishlariga kasbiy (ijodiy) imtihonlar bo'lib o'tmoqda.

Mazkur sinovlarning ochiq, shaffof va adolatli o'tishini ta'minlash maqsadida mas'ullar tomonidan doimiy nazorat olib borilmoqda. Imtihon o'tkazilayotgan barcha hududlar to'liq videokuzatuv ostida bo'lib, jarayonni real vaqt rejimida cspu.uz sayti orqali kuzatish imkoniyati ham yaratilgan. Shuningdek, universitet hududida xavfsizlikni ta'minlash maqsadida ichki ishlar va tibbiyot xodimlari jalb etilgan.

O'ZA

▼ Дарвоке

ҲАЛОВАТ — БУЮК НЕЪМАТ

Қишлоқда гипос тераётган аёл даракхдан йиқилиб, умуртқасидан оғир жароҳат олди. Шифохонага ҳушсиз ҳолда етказилди. Бир ой даволаниб биров ўзига келди. Аммо ҳали ҳам кўл-оёқлари яхши ишламайди, оғриқ кучли. Даволаётган шифокор ёш бўлса ҳам, анча билimli эди. Аммо унинг ҳам “кўли калталиги” бор. Бир кун беморига айтди:

— Опа, сизни даволай оламан, аммо менга МРТ ташхиси керак.
— Нима у?
— У аппарат сизнинг шикастланган нервларингизни аниқлашга ёрдам беради, фақат Тошкентда бор. Ўша ерга бориб, тушиб келишингиз керак.

Яқинлари аёлни пойтахтга олиб келишди. МРТ (магнит-резонанс томография) аппарати ўша вақтлар Тошкентдаги фақат унга муассасада — эски ТошМИ, ДХХнинг (собиқ МХХ) марказий ҳарбий госпитали ва MDS-Service хусусий клиникасида бор эди.

Суриштиришди: ТошМИдаги аппаратга навбат 3 ой деганда келади, ҳарбий госпиталга кириш имконсиз. MDS-Service клиникасида ҳам навбат катта. Беморни эса тезроқ текширувдан ўтказиш керак, кутиб бўлмайди. Вазият тушунтирилган, хусусий клиника шифокори маслаҳат берди: “Келиб навбат кутиб ўтирасизлар, рўйхатга ёзилганлардан кимдир келмай қолса, ўрнига киришингиз мумкин бўлади”. Эрталабдан жойидан жилмай кутган бемор ва унинг яқинлари кейинги кун тонгида МРТга тушишга муваффақ бўлишди. Бу ўша пайтда катта бахт эди.

Бу каби воқеаларни кўпчилик ўз бошидан ўтказган, оғриқларини танасида хис қилган. Ҳақондир ечим топишни тасаввур қила олмаган у муаммоларимизни бугун енгилгина эслаб қўямиз.

Ҳозир чўнтагига паспортини солиб юрган кишини учратмайсиз. Метрода расм олиш туғул, тўғридан-тўғри видео жўната олмасиз. Мобиль алоқа ҳам, интернет ҳам ишлайди. «Прописка» сўзи ҳатто конунчиликдан бутунлай «ўчирилди». Нақд пул керакми, ҳар бурчақда банккомат бор, хоҳла — сўмда, хоҳла — долларда ол!

Энг муҳими, оғир беморлар қайсидир ташхис аппаратиغا ойнаб навбат кутиб, ўлим билан олишмайди.

Олий ўқув юртига ҳужжат топширишни истаган ёшлар кимнингдир “қош-қовоғи”га қараб ўтирмайди, уйдан онлайн топиради: бир эмас, бир нечта OTMra! Давлат таълим муассасасини танлайдими ёки хусусийни — ихтиёр ўзида. Билиминг ва интилишинг бўлса, Гарвард университетининг эшиклари ҳам очик сенга!

Бугун аҳоли ўзига нисбатан ҳам, ҳукуматга нисбатан ҳам талабчан. Бу ижобий ҳолат, албатта. Бироқ бу талаб — бизни беҳаловатлик, даргазабликка етакламаслиги ёки мол-дунё учун мусобақалашига буриб юбормаслиги керак. Ҳар қандай муаммога ечим топилади. Аввал бизни қийнаб келган масалалар бугун унут бўлгани каби, бугунги муаммоларимиз эртага, албатта, ҳал бўлади.

Қолаверса, ҳаловат — буюк неъмат. Ҳаловатини йўқотган инсонга ҳеч нарса татимайди. Ундаги бу кайфият атрофдагиларга, жамиятга, ҳатто болаларга “юқади”. Фақат негатив ўй-фикрлар билан яшаб бўлмайди, бу аввало, унинг ўзини адоий тамом қилади. Фаровон мамлакатларда одамларнинг энг катта бўлиги — хотирjamлик ва ҳаётдан мамнунлик. Ахир тирикликнинг мазмуни ҳам шу!

Лутфулло ТУРСУНОВ,
журналист

бирга, мавжуд 60 та насос агрегатининг 8 таси тежамкорига алмаштирилиб, 4 донча частота ростловчи қурилма ўрнатилди.

Шу кун “Тошкент вилояти сув таъминоти” АЖнинг Юқори Чирчиқ филиали маъмурий биноси ҳам ишга тушди.

Айтиш жоизки, филиалнинг маъмурий биноси бўлмагани учун илгари ижара асосида фаолият юритаётган эди. Бугунги кунда филиал учун 2 миллиард сўм маблағ эвазига янги бино қурилди. Филиал тасар-

руфидаги жами 9 та транспорт воситасига қўшимча равишда яна 2 та замонавий махсус техникалар харид қилинди.

Ҳозир ҳудудда 141,7 минг нафар аҳоли яшайди, шундан 94,4 минг нафари ичимлик суви билан таъминланган. Режага кўра, 2025-2026 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича жами 3,8 километр ичимлик сув тармоқлари ва 4 та мавжуд насос агрегатлари таъмирланади.

Тадбир иштирокчилари биноларда яра-

тилган шароитлар билан танишишди. Мутахассислар томонидан “Энергия тежамкорлиги бўйича эришилган натижалар” мавзусида тақдимот ҳам ўтказилди. Унда сув таъминоти соҳасида амалга оширилаётган инновацион ёндашувлар, тежамкор технологиялар ва уларнинг амалиётдаги самараси иштирокчиларга намойиш этилди.

Ўз муҳбиримиз
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

— Бугунги кунда 81 та хонадонда малина етиштириляпти, — деди маҳалла раиси Қуанш Джунисалиев. — Аҳоли асосан “Маравилла” ва “Колокольчик” навларини экиб, йилда икки маротаба ҳосил олишмоқда. Шунинг ортидан ҳар бир оила йи-

имтиёзли кредит ажратилди. Айниқса, Мурот Усербоев, ака-ука Турғунбоевлар ўз томорқаларини самарали бошқариш орқали бошқаларга ибрат бўлишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу каби имтиёзли молиявий қўмақлар томорқачиларнинг

Мазкур маҳалла туман марказидан 20 км. узоқликда жойлашган бўлишига қарамай, ҳудуд инфратузилмаси босқич-ма-босқич яхшиланмоқда. Ҳозирда маҳаллага олиб боровчи йўл асфальт қилинмоқда. Шунингдек, ҳар бир томорқа

“АЧИСОЙ” — МАЛИНАЧИЛАР МАНЗИЛИ

лига ўртача 40 миллиондан 100 миллион сўмгача даромад топлмоқда.

Мазкур маҳалланинг томорқачиликдаги тажрибаси вилоятимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўрнак қилиб кўрсатилмоқда.

— “Ачисой”ликлар етиштираётган малинага ички бозорда талаб катта, — дейди ҳоким ёрдамчиси Ойбек Мамағиёзов. — Ҳозирда маҳсулотни ташқи бозорларга чиқариш масаласи муҳокама қилинмоқда. Келгусида малина етиштиришни янада кўпайтириш, кучатлар сонини ошириш ва замонавий сугориш тизимларини жорий этиш бўйича режалар ишлаб чиқилмоқда. Бу эса янги иш ўринлари яратишига хизмат қилади. Эътиборлиси, давлатимиз томонидан аҳолининг томорқадан оладиган даромадини кўпайтириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Маҳалламиздаги ташаббускор томорқачиларга малина етиштиришни ривожлантириш учун 33 миллион сўмдан

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



иш унумдорлигини ошириш, ҳосилдорлиқни кўпайтириш ва даромадини барқарорлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Кичик ер майдонида катта иқтисодий самарага эришишда давлат ва аҳоли ҳамкорлиги борган сари мустақамланмоқда.

Маҳалладаги амалий ишлар шуни кўрсатмоқдаки, агар ҳар бир фуқаро ўз томорқасидан унумли фойдаланса, кичик ресурслар орқали катта натижаларга эришиш мумкин. Малиначилик бу борада энг самарали йўналишлардан бири сифатида ўзини оқлаяпти.

уйимиздан anchagina кичик екан.

Yakuniy imtihonlarim boshlangan kunlar edi. Kayfiyatim a'lo emas. Boisi yarim tungacha dars qilib, ertalab uxlab qolibman. Xonadon kichik, narsalar esa juda ko'p va ular orasidan shoshib turganingda o'z buyumlaringni topish ham unchalik oson va seni quvontiradigan ish emas. U yoq-bu yoqqa yugurib, bir amallab kiyimlarim bormi, kitob-daftarim bormi, barini topdim. Ungacha asablar tarang holatga yetdi. Hatto nonushta qilishga ham ulgurmay avtobus bekatiga yugurdim. Shunday vaqtda insonni xursand qiladigan yagona narsa bekatning bir qadam joyda ekanligi.

Soat 8 deganda 98-avtobus keldi. Eh,

fidagi ayol. U o'g'lining sumkasini qo'lga olib quchoqlab o'tirar edi. Xotin o'ziga qaragan va o'qituvchilarga o'xshab ketarkan. Avtobus ikki-uch bekat yurdimi, aniq esimda yo'q, xullas oradan uncha ko'p vaqt o'tmay, yoshi elliklardan oshgan qoramir, to'q ko'k kastyum-shim kiygan, qo'lga rangi ancha ketib zanglay boshlagan soat taqib olgan yoshi kattaroq erkak chiqdi. Yonimda o'tirgan ayol o'zini ko'rsatish uchunmi, bilmadim, yoki meni hammaning oldida izza qilishni xohlabmi, tipirchilay boshladi, “Voy, shu amakiga joy berish kerak edi-da!” deb. Men ham o'zi shu haqda o'ylayotgan edim. Ammo... Tepamga qarasam, tirbandda uch-to'rt yigit turishibdi. O'rnimdan qo'zg'alsam,

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

YO‘LOVCHI MADANIYATI:

Uni kim qanday tushunadi?

Ana endi ko'ring hangomani! Bu satanglar Asqar Mahkamning fors tili bo'yicha mutaxassis ekanini qaydan bilsin? Asqar aka qizlarga fors tilida shunday dashnom berib-dilarki, ular boshini ko'tarolmay qolibdi.

Shundan keyin ham taniqli shoir va tarjimon akamiz “hujum”ni susaytirmabdilar. Arabchalab “saboq” berishni boshlabdilar. Arabchani umuman bilmaydigan bu qizlar endi ham hayratlanib, ham mulzam bo'lib, kechirim so'ray boshlashibdi. Shunda Asqar aka: “Bo'ldimi? Boshqa tilni bilmaysanlarmi? Shu ahvollaringga oliftagarchilik qilmay o'zbekcha gaplashsalarang bo'lmas-midi? Chet tilini ishlatishning ham o'z joyi, o'z vaqti bor. Or qilmasdan ona tilingda gapiraveringlar”, degan ekanlar.

Maqolani yuqoridagi mulohazalar bilan boshlaganim bejiz emas. Yaqinda avtobusda shunga o'xshash boshqa bir voqea bo'ldi. Yaxshisi, uni bir boshdan hikoya qilayin, qanday xulosa chiqarish o'zingizga havola.

Bir oycha avval yashab turgan uyimizni to'liq ta'mirlatish maqsadida vaqtinchax ijaraga boshqa xonadon topdik. Bu joy o'z

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)



qaysi aql bilan bu ishni qildim, o'zim ham bilmayman. Yangi manzilga ko'chib kelingimizga ko'p bo'lmadi, shu bois 98-avtobusga ham endi o'tirishim. Ochig'i, peshonasidagi “O'zbekiston mehmonxonasi” degan yozuvni ko'rib, chiqib olaveribman deng. Yo'lim yaqinroq bo'lar, deb o'ylagan edim. Ammo, chuchvarani xom sanagan ekanman.

Salondagi bo'sh o'rindiqqa borib o'tirdim. Yonimda yoshi qirq-ellik yoshlar atro-

haligilarning orasiga suqulishim kerak edi. Nima qilishni bilmay, tik turishga holiroq joy izlab tursam, yonimdagi ayol amakini chaqirdi-da, menga ensasini qotirib “Yo'q, yo'q, siz o'tiravering!” — deb piching qildi. Keyin soatga qaradim, 8 dan 25 daqiga o'tgan edi. Xavotirlana boshladim. Imtihonim soat 9 da boshlanishi kerak, men esa hali manziling yarmiga ham yetib bormagan edim.

Eng achinarlisi, joyimni bo'shatib ber-

ganimdan keyin ham bularning g'iybatidan qutulmadim: ular o'tirib olib, yoshlarning “odobsizligi”, faqat telefon bilan ovora ekanligi haqida barchaga eshittirib “ma'ruza” qila boshlashdi. Qarangiki, o'sha pallada men ham telefonimdan avtobus yuradigan manzillarni ko'rib chiqayotgan edim. Bu menga juda yomon ta'sir qildi, dilim og'ridi. Shartta avtobusdan tushib ketay desam, yo'lni yaxshi bilmasdim, aksiga olib bu yaqin atrofda metro bekatini ham yo'q ekan.

Shu o'rinda savol tug'iladi: Bu holat qanchalik to'g'ri? Kattalar yoshlarni jamoat joyida izza qilib uyaltirishi, shifangachilarga o'xshagan baquvvat va sog'lom erkak kishining tirband avtobusda qiz bolaning joyini tortib olishi...

Bilmadim, huquq sohasida o'qiyotganim uchunmi, ba'zida o'ylanib qolaman: To'g'ri, odamlar orasida hurmat-ehitmon bo'lishi kerak. Lekin nima sababdan ayrim fuqarolar o'z manfaatlarini va o'z istaklari deb boshqalarning ham huquqlarini buzishlari kerak? Kimdir sizdan avvalroq avtobus yoki metroga chiqqan va o'z o'rini topib o'tirgan bo'lsa, sizning to'rt muchangiz sog' ekanligini bilib ham sizga joy bo'shatishga majburi? To'g'ri, bizda sharqona odob bor, lekin rivojlangan davlatlarda inson huquqlarining ochiqchasiga buzilishi hisoblanadi bu!

Yana bu ham yetmayandek, ayrim katalamlar yoshlarni betarbiya va befarosat, deb hammaning yonida uyaltirishi-chi? Eng achinarlisi, ayrim kattalarimiz bu ishni qilib, undan rohat olishadi!

Mayli, biz yoshdirmiz, gohida bilib-bilmay jamoat joylarida biror xatoliklarga yo'l qo'yarmiz. Shu kamchiliklarini yoshlarning o'ziga yotig'i bilan tushuntirib qo'yilsa bo'ladi-ku, men o'tirgan avtobusdagi kek-salarga o'xshamay. Chunki xalqimizda, yaxshi gap bilan ilon inidan chiqar degan gap bor. Hammaning oldida o'zini ko'rsatib, sababini bilmasdan begona kimsani haqorat qilish — bu o'taketgan tarbiyasisizlikdir. Chunki, ustozlar ta'kidlaganidek, eng avvalo tarbiyachining o'zi tarbiyalangan bo'lishi kerak.

Malohat MA'SUDXO'JAYEVA,
Toshkent davlat yuridik universiteti
ommaviy huquq fakulteti talabasi

Пахта ҳосилига ҳосил қўшиб, бу йилги мавсумни уюшқоқлик билан ўтказайлик!

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИ РАЁСАТИ АЪЗОЛАРИНИНГ ФЕРМЕРЛАРГА МУРОЖААТИ

Қадрли ватандошлар!
Ҳурматли деҳқон ва фермерлар,
аграр соҳа ходимлари!

Пахтачиликдаги юқори натижалар, аввало, деҳқон ва фермерлар, пахта кластерлари ҳамда соҳа фидойилари томонидан туну-кун қилинган машаққатли меҳнатнинг, шунингдек, пухта ўйланган ислохотлар ва илмий ёндашувларнинг муносиб самараси демакдир.

Бу йилги табиат қийинчиликларига қарамаздан, биз фермер ва деҳқонлар республика бўйича 875 минг гектар майдонга чигит қадаб, машаққатли меҳнатимиз эвазига пахтадан мўл ҳосил йиғиштириб олиш палласида турибмиз.

Барчамиз яхши тушунамизки, ҳозирги ўта мураккаб иқлим шароитида қўллаб-қўллаб синув ва қийинчиликларга, айниқса, бу йилги июль ойининг ўта иссиқ келишига қарамаздан Сиз, фермерлар даладан чиқмасдан мўл ҳосил етиштириш учун меҳнат қилаётганингиз – бу чинакам жасорат ва матонат намунаси.

Халқимиз Сиздек миришкор деҳқон ва фермерлар, моҳир сувчи ва ирригаторлар, ўз ишнинг ҳақиқий ўстаси бўлган механизатор ва агрономлар, жонқуяр олим ва тадқиқотчилар, кластер ходимлари тими солида ана шундай фидойи инсонларни кўради ва эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш йўлидаги шарафли ва олижаноб меҳнатингизни юксак қадрлайди.

Аслида Сиз ва бизнинг вазирамиз мамлакатимиз иқтисодиётига ҳисса қўшишдир. Шу муқаддас заминда таваллуд ва тарбия топган, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, халқи олдидаги, уни умид билан тарбиялаган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керак.

Фермер – ерга пахта уруғини қадаган маҳалдан бошлаб кун санайди: умид билан қадаган нихолни тўла-тўқис ундириб олгунча озмунча тер тўқадими, меҳнат қилади-ми?



Мураккаб об-ҳаво шароитидан тортиб, энг керакли агротехник тадбирларни қўллашгача бўлган жараёнлардан эсон-омон ўтиш осон кечмайди, албатта. Энг муҳими, бу йилги июль ойининг жазирама иссиқ кунларида пахтанинг ҳосилини олиб қилиб, туну кун қилган ҳалол заҳматли хизматлари меваси нақадар тотли эканини ҳосил пишиб етилиб, ўз вақтида териб-йиғиб олиниб, хирмонга тўкилган дамда, асосийси, белгиланган режалар ошириб уддаланганидан кейингина англаб етади. Ана шундагина фермернинг кўнгли хотиржам бўлади. Бунинг учун эса ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари бугундан бошлаб ўз пахта даласида “Долзарб – 30 кун” эълон қилиши лозим.

Ҳиммати баланд миришкор фермерлар!

Июль-август ойларида бажариладиган агротехник тадбирларнинг аҳамияти пахта ҳосилдорлигини оширишда нисбатан муҳим. Негаки, ҳосилнинг эртаги, сифатли ва мўл бўлиши айна шу ойдаги меҳнат натижаси билан ўлчанади. Зеро, ўза агро-техникаси талабларга мувофиқ бажарилса, ривожли тезлашиб, кўсақларга кўсақ қўшлади, эрта пишиб етилади, ҳосилга барака киради.

Юқоридагидан келиб чиқиб, пахтадан юқори ҳосил олиш учун июль-август ойларида яна биз, фермерлар томонидан агротехник тадбирларни амалга ошириш зарур бўлаётганлигини ҳамда ортиқча етиштирилган ҳар бир килограмм пахта учун қўшимча

даромад олишни юракдан ҳис этиб, қўйдаги тадбирларни ҳар қачонгидан ҳам масъулият билан ёндашиб амалга оширайлик!

Биринчидан, барча деҳқонларнинг ўрни далада бўлиши, айниқса, сувчи, механизатор, энтомологлар ўз ишига ўта жиддий ёндашмоғи даркор;

Иккинчидан, культиваторлар далада тўлиқ ишлашни ташкил этинг;

Учинчидан, ўзани яна бир марта шарбат усулида қондириб сўғориш, бунинг учун сувчиларга барча шарт-шароитни яратиб, тунги сўғоришни йўлга қўйиб, сўғориш ишларини якунланг. Бунда, сувдан тўғри, оқилонга фойдаланинг, қўлатмасдан сўғориб, зовурга ташламаслик чораларини қўриб, сувни ортиқча исроф қилинишига йўл қўймаг;

Тўртинчидан, зараркунанда ҳашаротлар – кўсақ қурти, ўргимчаккана, беда қандаласи, қора шира хуружидан ҳимоя қилишни кучайтиринг, уйғунлашган кураш чораларини кенг қўланг;

Бешинчидан, июль-августда бажариладиган агротехник тадбирларни яна бир нозик жиҳати шундаки, бу пайтга келиб, ўза қатор ораларида шўра, ит узум, кўй печак, ғумай, сув ўти каби бегона ўтлар ҳам зўр бериб ўсади.

Ўзадан баланд бўлиб, ҳашаротларни ўзига жалб этиш билан бирга, турли зарарли микроорганизмлар кўпайиб, пастки ярусдаги кўсақларнинг чиришига, макроспариз ва бошқа чириш касалликлари кўпайишига олиб келади ҳамда ўзага берилган ўғитни асосий қисмини ўзлаштиради.

Шу сабабли ҳар бир дала яна бир марта кўздан кечирилиб, бегона ўтларни сувдан кейин қўлда юлиб олиш ва барча пайкаллар бегона ўтлардан тозаланишига жиддий эътибор қаратинг;

Олтинчидан, ривождан орқада қолган майдонларни алоҳида назоратга олинг ва қўлоқликдан чиқариш учун қўшимча агротехник тадбир қўланг;

Еттинчидан, биологик стимуляторлар билан қўшимча ишлов беринг, ўза ривожли кечки бўлган далаларда ҳам пахтани эрта пишиб етилишига ва ҳосили баракали бўлишига эришинг;

Саккизинчидан, ўза қатор оралари тўлашиб-бирлашиб кетмаган далаларни 1–2 марта майин культивация қилинг.

Лекин, қатор орасида культивация шундай ўтказилиши керакки, бунда, ўза тупларига зиён етказмасин, кўсақларни тўкмасин, ўза поялари пайҳон бўлмасин. Шунинг учун, культиваторларнинг ишчи органларини “балиқ сирти” қилиб ўранг;

Тўққизинчидан, кўчат сони қалин бўлган, ўсиб кетган ва ғовлаган ўза майдонларида пастки кўсақлар чиришининг олдини олиш учун варақалаш ишларини амалга оширинг;

Ўнинчидан, ўзанинг ҳосил тўплаши учун шароит яратинг, айниқса, хорижий навларни эккан фермер хўжаликлари олимлар ва таҳрибали мутахассислар тавсиялари асосида иш юритинг.

Ҳабарингиз бор, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларимизда асосий эътиборни сув ва ер ресурсларидан оқилонга фойдаланиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни фаол жорий этиш, хўжалик ва корхоналарнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг муҳими, деҳқон ва фермерларнинг оғирини енгил қилишга қаратмоқдамиз.

Айнан мухтарам Президентимизнинг 2025 йил 28 мартдаги 131-сонли қарорига

биноан, пахтадан 50 ц/гадан юқори ҳосил олган фермерларга бир қатор имтиёзлар жорий этилган. Жўмладан,

ижарага олинган ерларнинг 25 фоиз қисмига алмашлаб экиш ҳуқуқи берилди (чорва озқаси, сабзавот, мойли экинлар); фермерлар кенгаши аъзолик бадали 0,6 фоиз ўрнига 0,3 фоиз этиб белгиланди;

ер солиғида базавий ставкага нисбатан мутаносиб равишда 3 қаррагача камайтирувчи коэффициентлар қўллашга рухсат берилди. Сиз пахтадан юқори ҳосилдорликка эришиб ушбу имтиёзлардан фойдаланинг.

Ҳурматли фермер ва деҳқонлар!

Барча имкониятларни ишга солиб машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилнингизни нест-нобуд қилмасдан, йиғиб-териб олишда ишчиларингиз ҳамда кўнглили теримчиларга яхши шарт-шароитлар яратинг.

2025 йил ҳосилини қисқа фурсатларда ва сифатли йиғиб олиш ишларини ташкиллаштиришда бутун масъулият Сизнинг зиммангизда эканлигини унутманг!

Азиз фермер ва деҳқонлар!

Пахта йиғим-терими мавсумида шундай меҳнат кўтаринкилигини ташкил қилайликки, токи ҳар бир Ўзбекистонликман, деган инсон ўзини деҳқондек ҳис этсин. Бободеҳқон елкасидаги юкни кўтаришга камарбаста бўлиш, эл-юрт ташвишига шериклиқ қилиш, деҳқоннинг зафарларидан фахрланиш учун курашиш ҳисси юрагингизда жўш урсин!

Барчангизни мазкур эзгу ишда иштирок этишга қорлаб, иқтисодиётимизни юксалтиришга, она юртимиз янада обод бўлиши учун муносиб ҳиссангизни қўйишга ҳамда “Долзарб – 30 кун” мобайнида пахта далаларига янада ишлов беришга ва пахта йиғим-терими мавсумида фаол қатнашишга даъват этами!

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИ РАЁСАТИ АЪЗОЛАРИ

Футбол бўйича Ўзбекистон Суперлигаси жорий йилги мавсумининг биринчи давраси деярли якунланди. Бу йилги мусобақада Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилаётган ягона жамоа – Олмаликнинг ОКМК клубининг ишларини охириг пайтларда яхши деб бўлмади. Мавсум бошида йиртқич йўлбарсга ўхшаб рақибларини ер тишлатган “кончилар” сўнгги ўйинларда “тишсиз” қолгандек таассурот уйғотмоқда.

▼ Вилоят футбол

футбол академияси жамоалари бор эди. Мусобақа бошланишидан олдин кўпчилик мутахассислар кейинги босқичга пойтахт ҳамда Қашқадарё клублари чиқади, дея тахмин қилишганди. ОКМК эса бу тахминларни йўққа чиқарди. Улар илк турда “Пахтакор” клубига 1:2 ҳисобида мағлуб бўлишган эрса-да, кейинчалик ўз майдонида “Насаф”ни 3:2 ҳисобида, Навоий футбол академияси жамоасини эса 12:1 ҳисобида мағлуб этиб, қаршиликларни гуруҳда қолдирган ҳолда кейинги босқичга йўл олишди. Айниқса, охириг турдаги зафарли одими клуб тарихидаги энг йирик фарқ билан

лаба ёғдулари секин-аста сўна бошлади. Чемпионат доирасидаги охириг турт учрашувда уч мағлубият ва бир дуранг натижа қайд этди. Эътиборлиси, улар мазкур турт баҳснинг иккитасини ўз майдонида ўтказди (дастлаб “Шўртан” клуби билан дуранг, кейин эса “Сурхон” клубига 0:1 ҳисобида имкониятни бой берган). Кетма-кет йўқотилган очколар натижасида 10 тур давомида турнир жадвалини бошқариб турган олмаликликлар ўрнини бой бериб, айни дамдаги етакчи – “Насаф”дан 8 очко ортда қолган ҳолда 6-поғонага қадар пастлашди.

Дарвоқе, ОКМК чемпионат доирасида сўнгги бор 10 май куни сафарда “Қўқон-1912” жамоаси устидан 3:1 ҳисобида зафар қучган. Деярли икки ойдан буён Олмалик жамоасида “ғалаба” сўзи бегона бўлиб қолди.



“ОКМК ЭРТАГИ” ЯКУНЛАНДИМИ?



қозонилган ғалаба сифатида тарихдан жой олди. Бу орқали улар кубокни ютишга асосий даъвогарлар қаторига кириб олишди. Амалда эса бундай бўлмади.

ОЛМАЛИҚ ОСМОНИДАГИ “ҚОРА БУЛУТ”

Олмаликликларнинг икки фронтда ҳам ёрқин иштирок этаётганини барча олқишлай бошлади. Бундан клуб сармаст бўлиб қолди шекилли, уларнинг кўчасидаги ға-



Бу ҳали ҳаммаси эмас. “Ўлим гуруҳи”дан эсон-омон чиқиб олган виллоят байроқдори 1/8 финал босқичида “Бухоро” клубига 1:3 ҳисобида мағлуб бўлиб, кубокдаги иштирокини якунлади. Айнан мана шу учрашув

“кончилар”нинг секин-аста муаммолар ботқоғига ботаётганини кўрсатиб берди.

ОМАДСИЗЛИК ОМИЛЛАРИ

Тошкент вилояти байроқдорининг охириг икки ойдаги натижалари клубдаги мавжуд камчиликларни юзага чиқарди, дейиш мумкин. Кўзга кўринган таркиб, кучли мураббий, замонавий инфратузилма – буларнинг бари жамоада бор. Аммо натижалар эса қутилган даражада бўлмапти. Бунга қатор омилларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Бирок, улар орасида энг асосийси – турли тактик услубларнинг йўқлиги. Тан олиб айтиш керак, олмаликликларни 2019 йилдан бери бошқариб келаётган Миржалол Қосимов сўнгги йилларда мамлакатимизда етишиб чиққан энг маҳоратли мураббийлардан. Бирок, унинг бошқаруви, тактик чизмаларни гўё бошқа жамоаларга ёд бўлиб кетгандек. Унинг бошқарувида ОКМК олтинчи мавсумни ўтказаятган бўлса, шу вақт давомида клуб фақат бир давра – ё биринчи, ё иккинчи даврада фаол бўлади ҳолос. Бу эса кўзланган натижа учун етарли бўлмапти. Биргина, сўнгги ўйинларни оладиган бўлсак, рақиблар клубининг қандай юриш қилишини олдин-

дан билиб олгандек ҳаракат қилишмоқда. “Сурхон”, “Бухоро” ва “Навбахор”га қарши учрашувлардаги мағлубиятларга асосий сабаб бир хил тактик ҳаракат бўлди. Жамоада доим А ва Б режалар бўлиши лозим. Мураббий клуб ўйинидан келиб чиқиб ротация қилиб, муваффақиятга эришиши учун ҳам камида иккита танлов зарур. Олмаликликларда эса мавсум бошидан буён фақат бир тактика мавжуд. Ғалаба қозонганда ҳам, мағлубиятга учраганда ҳам фақат биргина услубда ҳаракатланади. Шу жиҳатдан комбинат жамоасини ҳамюртимиз Абдуқодир Ҳусанов тўп тепаётган Англиянинг “Манчестер Сити” клубига қийсаш мумкин. Инглиз жамоаси ҳам бир неча йиллардан буён бир хил тактикада ҳаракат қилиб келаётганди. Уларнинг бу услуби шу вақтга қадар иш бераётганди ҳам. Аммо, якунланган мавсумда клубнинг ишлари чаппасидан кетди. Кетма-кет ўйинлар бой берилди. Халқаро майдондаги иштирок ҳам жуда эрта якунланди. Ваҳоланки, таркиб томонлама жамоа дунёнинг энг кучли клубларидан бири ҳисобланади. Бирок, тактик томонлама бир хиллик улар муваффақиятсизлигининг асосий омилли бўлди.

Бундан ташқари, жамоада руҳий тайёргарлик борасида ҳам камчиликлар мавжуд. Жорий йилги мавсумда олмаликликлар бир учрашувда аламли мағлубиятга учраса, кейинги учрашувгача руҳан тайёр бўлишда муаммолар кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, учрашув давомида ҳисобда ортда бораётганида ўйинда “камбек” қилишда ҳам етарли камчиликлар мавжудлигини кўрмоқдамиз.

Агар “кончилар” мазкур камчиликларни тўғрилаб, янги юришларни ўйлаб топмаса, муваффақиятли ибтидоининг муваффақиятсиз интиҳосини кўришимиз ҳам ҳеч гап эмас.

СУХРОБЖОН САДИРОВ,
“Тошкент ҳақиқати” шарҳловчиси



МУВАФФАҚИЯТЛИ СТАРТ

Бекободнинг “Металлург” клубининг инқирозидан сўнг Олий лигада ёлғизланиб қолган ОКМК мавсум аввалида олдида катта мақсадларни қўйган, таркибини ҳам сезиларли даражада кучайтирган эди. Мавсум ҳам юқори нотада бошланди. Олмаликликлар ўз тарихидаги энг яхши стартни амалга оширд. Улар дастлабки 9 учрашувдан сўнг 22 очко жамғарди. Бундан олдинги энг яхши натижа 2020 йилда қайд этилган, ўшанда виллоят байроқдори 9 турда 21 очко жамғарган, якунда 3-уринни эгаллаган эди.

Олмаликликлар ҳатто 10 турдан кейин ҳам 23 очко билан турнир жадвалини бошқариб турганди.

Бундан ташқари, улар кубок беллашувларини ҳам муваффақиятли бошлашди. Ваҳоланки, улар Ўзбекистон кубогига “Ўлим гуруҳи”дан жой олишган эди. Олмаликликлардан ташқари гуруҳда Элит Осиев чемпионлар лигасида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган, яқинда клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатида “Реал Мадрид” билан дуранг натижа қайд этган, “Манчестер Сити”дек жамоани мағлуб этиб, турнирдан чиқариб юборган Саудия Арабистонининг “Ал-Хилал” клубини мағлубиятга учратган “Пахтакор”, амалдаги Ўзбекистон чемпиони, Қаршининг “Насаф” ҳамда “очко улашувчи” дея эътироф этилган Навоий

САЙЁХЛАР ОҚИМИ 2 БАРОБАР КЎПАЙДИ

Қолаверса, вилоят делегацияси аъзолари томонидан хориж давлатларига қилинган сафарларда сайёхчиларни жалб этиш бўйича ўзаро келишув меморандумлари имзоланяпти. Хусусан, жорий йил июнь ойида Хитой Халқ Республикасининг Ухан шаҳрида Ўзбекистон туризм йилига бағишланган тадбирлар доирасида Хубей провинциясининг сайёхлик тарғибот тadbiri бўлиб ўтди.

Унда Тошкент вилояти делегацияси ҳам фаол қатнашиб, ҳамкорларга ҳудуднинг туризм салоҳияти, табиий гўзалликлари, маданий мерос объектлари, эко ва экстремал туризм йўналишлари, гастронамик имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тез орада ушбу масканларда умумий қиймати 529 миллион долларлик 70 та лойиҳа амалга оширилади. Бунинг натижасида 3 минг 258 та янги иш ўрни яратилади.

Маълумки, Президентимиз вилоятга ташрифлари доирасида туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор топшириқлар берган эдилар. Хусусан, тоғли



ди. Якунда Ўзбекистон ва Хитой туроператорлари ўртасида 10 га яқин ҳамкорлик битимлари имзоланди. Уларда ўзаро сайёхлик оқимини ошириш ва қўшма туристик дастурларни ривожлантириш борасида келишиб олинди.

Эндilikда Оҳангарон туманидаги Овжасой ва Эртошсой сайёхлик қишлоқлари, Арашан қўллар тизмаси, кўлаб сўлим масканлардаги зиёратгоҳлар, шунингдек, Ангрэн тоғлари этакларида жойлашган дам олиш масканлари, хусусан, "Янгиобод дам олиш маскани"нинг сўлим ҳавоси, кўлаб булоқлари, ажойиб ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси ҳам халқ орасида оммалашяпти. Шу сабабли ушбу йўналишда инвесторларни жалб қилган ҳолда инфратузилмани ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

туман-шаҳарларда "Капсула меҳмон уйлари"ни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланганди. Шу бўйича режадаги манзилларда глэмпинг, капсула ва модулли меҳмонхоналар ташкил этиш бўйича лойиҳалар пакети шакллантирилди. Жумладан, Ангрэн шаҳрида 20 та, Оҳангарон туманида 30 та, Паркент туманида 22 та, Бўстонлиқ туманида 12 та "Капсула меҳмон уйлари"ни жойлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Умуман олганда, ҳудудни сайёхларга кўпроқ таништириш, уларга қулай шароит яратиш, мазкур соҳада тадбиркорликни янада ривожлантириш борасидаги сайёх-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Ҳозирда вилоятга келувчи сайёхлар оқими қарийб икки баробарга ортган.

Абдулазиз МУСАЕВ

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг жорий йилги тегишли буйруғига асосан

боғчаларда ёзги соғломлаштириш мавсумини сифатли ва самарали ўтказиш мақсадида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Хусусан, болажонларни интеллектуал салоҳиятли, жисмонан соғлом бўлиб ривожланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

▼ Долзарб 90 кунлик



Болаликнинг завқли онлари

Вилотимиздаги 2 минг 345 та мактабгача таълим ташкилотларида мавсумни самарали ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилди. Ҳар бир боғчада мавсумий тадбирлар очиқ осмон остида ўтказилиши режалаштирилди. Хусусан, болажонлар учун турли кўнгилочар ўйинлар ташкил этилаётир. Бунда ўйин майдончаларининг байрамона безатилиши ҳам болажонларнинг эстетик диди шаклланиши ҳамда уларнинг маънавий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Мавсум давомида тарбиячилар режага кўра, ҳафта ва ой номларидан келиб чиқиб, болалар интеллектини ўстирадиган машғулотларга катта эътибор беришмоқда.

Айниқса, болажонлар учун ташкил этилаётган чиниқтириш муолажалари – куёш ва ҳаво ванналари, массаж йўлаклари, сув ҳавзаларида чўмилишлари уларни соғлом ўсишларида катта аҳамият касб этади.

Ўз мухбиримиз



▼ Кўнгил шеваси

тонг ўзига умр сўрайди. Бир куни юртига ёв бостириб келаётгани хабарини эшитгач, барча истакларини унутайди.

*Қонхўр ёв зўғмига қўймоқ учун чек
Ўзини беаёв жанға солди у.
Шер қаби олишиб, жон берди шердек,
Аводлар ёдида мангу қолди у.*

Бундай шеърларни ўқигач, рўх баландлайди!

"1941" шеъри одамни жунбишга келтиради. Ҳар сафар хат ташувчи ўғилдан онага мактуб келтираркан,

аскарни кўриб қолади. Она ўз ўғлидай бу аскарга қарайди. Худди фарзанди тирилиб келгандай бўлади. Гардуннинг терслигини қарангки, ҳушига келган аскарнинг кўзларига термилган пайти, душман аскарни эканини билади. Аскар уй тўрида осиглиқ расмга қараб кўксига ўқ теккандек бўлади. Ахир бу йигитни ўзи отган эди. Онанинг пойига тиз чўкиб, бор кучини тўплаб ундан узр сўрайди:

*Бу дам "меҳмон"иға боққан онанинг
Юрагидан нелар ўтаётгандир.
Фақат шу сўзларни айта олди у:
"Бор болам, онанг зор кутаётгандир".*

Шунчалигам улуғвор, мўътабар бўласанми, Она!

*Арслонлар бир бўлиб наъра
тортганда,
Замину фалакни титроқ босади
Ва лекин арслонни арслон сотганда,
Итга ўлжа бўлар арслон жасади.*

Шоирнинг шундай тўртликлари кишини мушоҳадага чорлайди. Ҳаётини хулосалари воқеага бошқа томондан қарашга мажбур қилади. "Йўловчи"да шоирнинг одамзодга ҳайқирғи бор. Хитобки: "Йўловчи кўзингни оч! Бари ўткинчи! Қайсидир бекатда тушиб қолиш бор! Дунёга яхшилик учун келгансан. Шу вазифани бажаришга ҳаракат қил!"

Шоир дунёсига сайр қилиб, шу хулосага келдимки, у ўзига юклатилган вазифани, сўзга-адабиётга содиқликни пок виждон билан бажаришга интиляпти. Мана шунинг ўзи ифтихор айласанг арзирли жуда катта гап, айни пайтда, ноёб ҳодиса эмасми?!

Зикрилла МУҲАММАД,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

Ҳаёт сабоқлари

• Эрнинг қанақалиги хотини бемор бўлиб қолганда билинади.

• Хотиннинг қанақалиги эри камбағал бўлиб қолганда билинади.

• Фарзандларнинг қандайлиги ота-оналари кексайганда билинади.

• Ака-укаларнинг қанақалиги мерос тақсимланаятганда билинади.

• Дўстларнинг қандайлиги машаққатли лаҳзаларда билинади.

• Қариндошлар, яқинларнинг қанақалиги мусофирчиликда билинади.

• Ҳақиқий муҳаббат ўртадаги ўзаро манфаатлар тугаганда билинади.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси, вилоят Кенгаши депутати Абдусамад Носировга опаси

Саодат ая НОДИРОВАНИНГ

вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Чин шоир бир мисра шеър билан қалбдан ўрин олади-қўяди. Ижодиға ошуфта этган ана шундайлардан бири Ифтихор Хонхўжаев!

*Олифтаси бўлсам керак одамнинг,
Ҳар кун янги либос олганим олган,
Мен-ку бойвечман, аммо отамнинг
Энидаги чопон бобомдан қолган.*

гаплар бор: "Унинг шеърлари оҳанг рангоранглиги билан, зарблари мавзуга мавзунлиги билан ажралиб туради. Буни ким бадийи дид деса, биров тажриба меваси атайди, мен бир сўз билан талант дейман".

Устозидан бундай сўзларни эшитиш – шогирднинг бахти! У кўламини катта олади. Шеърларига вазифа юклайди. Шунчаки ёзмайди. Масалан, "Мангулик" шеърисида шундай ёзади:

*Бир одам мангулик шарбатин излаб,
Поёнсиз дунёни умидвор кезди.
Яшади қоядек собитлик кўзлаб,
Ўзини ҳеч қачон ўлмасдек сезди.*

ИФТИХОР АЙЛАСАНГ...



Шундай тўртлик билан бошланувчи, отахонларимизни кўкка кўтарган шеърини ўқиб, беихтиёр муҳлис бўлганман. Илк танишувимиз шу... Орадан йиллар ўтиб, унинг ўзи билан-да юзтаниш бўлди. Шеър шоирнинг ўзига ўхшайди, деган гап бор. Ифтихор ака билан суҳбатлашиб, шеъриятидаги софлик бежизга эмаслигини англай борасиз. Ўзи ҳам шеърларидек жўмард.

Қаерда шеърини учратсам, кеприк қоқмай ўқиб чиқаман. Ҳақиқий илҳом билан ёзилгани англанади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр этилган "Йўловчи" китобини зўр ихлос билан ўқидим.

*"Вагон-вагон одамни ортиб,
Елиб борар ҳаёт поезди..."*

Китоб муқовасида "Йўловчи" шеърини парча берилган. Устоз Иқбол Мирзо сўзбошиси ўқувчини ҳаваслантиради. Сўзбошида шундай

Шеърнинг давоми-да қизиқ. Хуллас бу ҳаётсевар одам анқонинг уруғин топиб, қуш жонида минг йил яшар деб, қарғанинг кўз ёшини ҳам сидириб ичади. Ҳар



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Shahboz NIZOMIDDINOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Behzod QOBULOV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Nashr uchun mas'ul:
Kumush EGAMBERDIYEVA

Navbatchi:
Mehridin IBRAGIMOV

Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 20.00.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-735.

3 050 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.